

**«Инсонга наф келтириш – олий баҳт» танлови давом этади**

2-бет

**Уч сменали мактаб**

– Уч навбатда ўқиш ва ўқитиши миз камдек, 5-6-синфларда болалар бир партада 3 тадан бўлиб ўтириб, сабоқ олишади, – дейди мактаб директорининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари А.Аллаёр.

4-бет

**Жажжи ҳалоскор**

Шунда нима бўлди-ю, «дамкрат» олд томонга оғиг кетди. Мувозанат йўқолиб, қайноқ мотор шундоқина ҳайдовчининг кўяргага келиб жисплашди... Вазн юки оғирлик қилимайтган бўлса-да, қайноқ тафтунинг вужудини кўйидди.

9-бет

**Куръа ташланди**

Ўзбекистон Футбол Федерациисида футбол бўйича янги XVI чемпионат ва кубок баҳсларига куръа ташланди. Маълумки, олий лига баҳсларида 16 та жамоа баҳс олиб боради.

10-бет



## **СИНГАПУРДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР**

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-26 январ кунлари давлат ташрифи билан Сингапурда бўлди.

25 январ куни Ўзбекистон ва Сингапур Президентларининг якка-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ахволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган ҳалқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ва ҳалқаро майдонда кечатган жараёнларга иккى томоннинг муносабати ва ёндашувлари якин эканлиги қайд этилди. Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги, айни пайтда Сингапурнинг Ўзбекистон билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Бу йил мамлакатларимиздек дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатларро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси хали тўла шакллантирилмаган. Шунга карамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу икки томонда ҳам ҳамкорлик учун қизиқиш катта эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Сингапур кўпигина ҳалқаро муаммоларга, Президент Ислом Каримов таъ-

бири билан айтганда, бир хил назар билан қарashi таъкидланди. Бундай ҳамфирлилик ҳамкорлик учун яхши замин бўлиши шубҳасиз.

Музокара Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Сингапур Баш вазири Ли Сянъ Лун раҳбарлигидаги иккى мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартиbdagi учрашуvida давом эттирилди.

Мулоқот ҷоғида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариши саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш иккى томон ўртасида давлати саноатни имзолади.

Ислом Каримов Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазири Ли Куан Ю билан ҳам учраши. Сингапурнинг ҳозирги тараққиёт дарасасига эришишида мана шу етук сиёсатчининг хизматлари катта. Суҳбат ҷоғида Ўзбекистон-Сингапур муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмасиди.

Шуну алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг Сингапурга давлат ташрифини Сингапур оммавий ахборот воситалари кенг ва батафсил ёритмоқда. Мамлакатнинг энг нуфузли газеталари, теле ва радио каналлари ташриф арафасида Ўзбекистон билан Сингапур муносабатлари ва Президент Ислом Каримов ҳақида кўплаб материаллар эълон қилди.

Президент Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи самарали якунланди.

(ЎЗА)

### **Бахорни соғиник...**



*Шанба ҳисмати*  
Хақиқат наме  
ботирмайди. Ҳақ ишине  
энг яхши исботи  
қалбиниз устидан  
ҳуқмонлигиниздадир.  
У бизга заъф банишлайди,  
бизни ўзиға асир қиласи  
ва бизга ёрдам беради.  
Жон Рескин

Вилоятлар	Январ	Июл	Декабр
Коракалпогистон			
Респ.	1002	211	194
Андижон	1599	392	387
Бухоро	1375	293	289
Жиззах	619	203	185
Навоий	837	495	491
Наманган	1548	379	374
Самарқанд	1723	391	387
Сурхондарё	904	135	134
Сирдарё	1114	121	121
Тошкент вил.	1565	489	488
Фарғона	1631	892	874
Хоразм	1037	628	626
Қашқадарё	1823	826	807
Тошкент шахри	1843	615	615
<b>ЖАМИ</b>	<b>18620</b>	<b>6069</b>	<b>5972</b>





















